

# Арафа куни | Фикҳ дарслари (366-дарс)



19:00 / 12 февраль 346

أَلَيْقَ تَكُم مُّثٌ يَعَادُولًا عَجَّحَ نَعْرُوهُ شَمَثِي دَحِي فَلَاقُ، هُنَّ عُلَّالُ يَضَرُّ رِبَاجُ نَع  
هَلَّالُ لُوسَرَ رَاسَفٍ، هَرَمَنَبُ هَلُّ بَرَضُ تِرَعَشُ نَمِةً بُقَبَ رَمَّأُو، سُمَّ شَلَّ تَعَلَطُ يَّتَح  
أَمَّكَ، مَارْحَلُ رَعَشَمَلُ دَنُ عُفُقَاوُهُ نَأَلُّ شِي رُقُ كُشَتِ أَلُو، مَلَسَوُ هَيْلَعُ هَلَّالُ يَلَص  
مَلَسَوُ هَيْلَعُ هَلَّالُ يَلَصُ هَلَّالُ لُوسَرَ رَاجُ أَفَّ، هَيْلَعُ هَلَّالُ يَفُ عُنُصَتُ شِي رُقُ تَنَّاك  
تَعَارُ إِذِي يَّتَحُ أَوَّبَ لَزَنَفٍ، هَرَمَنَبُ هَلُّ تَبَرُضُ دَقَّ هَبُّ قُلَّ دَجُ وَفٍ، هَفَرَعُ يَّتَأُ يَّتَح  
سُمُّثُ، نَدَّأُ مُمُّثُ، سَنَّا لَلَّ بَطَّحُ فٍ، يَدَاوُلُ نَطَّبُ يَّتَأُ فٍ، هَلُّ تَلَّحُ رَفَّ أَوَّصَقُ لِبَابَ رَمَّأُو سُمَّ شَلَّ  
هُ أَوَّرُ. أَيُّ يَشُ أُمَّ هَنَّبِ لَصُّ يُّ مَلَّو، رُصَعُ لَلَّ يَّتَصَفُ، مَأَقَا مُمُّثُ، رَهْ طَلَّالُ يَّتَصَفُ، مَأَقَا  
مَلَسُمُّ

Жобир розияллоху анхунинг Ҳажжатул вадоъ ҳақидаги машҳур ҳадисларида жумладан, қуйидагилар айтилган:

**«Сўнг бир оз туриб, қуёш чиққандан кейин ўзлари учун Намирага жун капани тикишга амр қилдилар. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу**

**алайҳи васаллам юриб кетдилар.**

**Қурайшликлар у зотнинг худди Қурайш жоҳилиятда қилганидек, Машъарул Ҳаромда вуқуф қилишларидан ҳеч шубҳа қилмас эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ердан ўтиб кетдилар ва Арафотга етиб бордилар.**

**Ул зот Намирада ўзлари учун қапа қурилганини кўрдилар ва унга тушдилар. Ниҳоят, қуёш оққан чоғида амр қилдилар, Қасво у зот учун эгарланди. Бас, водийнинг ўртасига бордилар ва одамларга хутба қилдилар.**

**Сўнгра азон ва иқома айттириб, пешинни ўқидилар. Кейин яна иқома айттириб, асрни ўқидилар. Иккисининг орасида ҳеч нарса ўқимадилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

**Кейин суннат ғуслни қилиб, мавқифга боради.**

Имом, яъни ҳаж амири Жабалур-Раҳмат тоғидаги катта қора харсанг тошлар олдига бориб, қиблага қараб туриб дуо қилади.

**Арафот кунининг заволидан бошлаб, то ҳайит кунининг тонгигача маълум вақт турса, кифоя қилади. Агар ухлаган, ҳушидан кетган, унинг номидан рафиқи ният қилган ёки Арафотлигини билмаган бўлса ҳам.**

هَلَلُ الْوُسْرِ بِكَرْمُتْ عَادُولًا هَجَّحَ نَعْرُوهُ شَمَثِي دَحِي فَالاقُ، هُنَّ عُلُوهُ لَلِصَّرَبِ رَجَّحَ نَعْرِي  
لِلْأَوْصَالِ هَتَقَانَنْ طَبَلَعَجَفَ، فِقْوَمُ لَيْتَ أَيْتَحَ، مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلِ الْوُسْرِ  
أَفِقَاوْ لَزِي مَلَفَ، هَلْ بَقُولِ الْبِقْتِ سَأَوْ، هَيْدِي نَيْبِةَ شُمُ لَلْبَحْلِ عَجَّ وَءَاتَخَّصَلِ  
مَلَسْمُ هَاوْرُ، سُمُ شَلَّاتَبَرْغَ يَّتَحَ

*Ҳазрати Жобир розияллоҳу анҳунинг Ҳажжатул вадоъ ҳақидаги машҳур ҳадисларида жумладан, қуйидагилар айтилган:*

**«Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (улов) миниб, мавқифга бордилар. Туялари Қасвонинг қорнини тошларга, пиёдалар оқимининг қаршисида қилдилар. Ул зот қиблага қараб турдилар. Шу туришларида қуёш ботгунча турдилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

